

МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚ ХОЛДА
ҒЎЗАНИНГ ЎСИШИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛИ

А.Садуллаев PhD,

ҚҚДУ доценти, Т.Мырзабаева

ҚҚДУ биология факультети талабаси

Аннотация: *Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимлари орқали етиштириладиган асосий кузги бугдой, кунгабоқар, кунжут ва соя экинларидан сўнг кейинги йил экиладиган ғўза экинининг мақбул ўғитлаш мақбул ўғитлаш тизимига бағишланган тажриба натижалари келтирилган.*

Калим сўзлар: *бугдой, кунгабоқар, кунжут, соя, ғўза, ривожланиш даври, эрозия, гумус, озиқа модда.*

Қишлоқ хўжалиги экинларини яхши ўсиши ва ривожланиши бу энг аввало тупроқ, минерал ўғит меъёрлари, суғориш меъёрлари ва муддатлари ва шунингдек ўтмишдош экин турларига ҳам бевосита боғлиқ эканлигини олиб борилган таққиқот ишларимизда аниқланди.

Тадқиқотларда ғўзани ўсиши ривожланишини турлича бўлган фонларда яъни (кузги буғдойдан сўнг, кунгабоқар, кунжут ва соя) экинларидан сўнг кейинги йилга экилган ғўзага N160P100K75, N200P140K100 ва N240P170K125 кг/га меъёрида қўлланилган минерал ўғит меъёрлари ва ўтмишдош экинларига боғлиқ ҳолда ғўзани ўсиш ривожланишга таъсири бўйича олинган.

Олдинги бўлимларда ёзганимиздек, 2019 йил (2-дала) вариантларида ғўза ўтмишдош экин экилмасдан кузги буғдойдан кейин экилган вариантнинг маъдан ўғитлар N160P100K75 кг/га меъёрда қўлланилганда 1 июнь куни бош поя баландлиги 13,0 см, чин барглар сони 3,9 донани ташкил

этган бўлса, ўғитлар меъёрлари N200P140K100 кг/га ортиши билан бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 14,2 см ва 4,1 донага тенг бўлди ҳамда N240P170K125 кг/га қўлланилган (3) вариантда эса 14,8 см 4,5 донани ташкил этган. Демак вариантлар орасида нисбатан мақбул кўрсаткичлар N240P170K125 кг/га меъёридан олинди.

Белгиланган меъёрдаги минерал ўғитлар ҳам тўлиқ қўлланиб бўлмаганлиги учун юқоридаги вариантларнинг кўрсаткичлари 1,5-3,7 см, 0,5-1,5 донага фарқланган бўлса, кунгабоқардан кейин яратилган фонга боғлиқ ҳолда ғўзанинг бу даврдаги ривожланиш даражаси фарқланди.

Айтиш мумкинки, бунда N160P100K75 кг/га қўлланилганда (4) вариантда бош поя баландлиги 13,5 см, чин барглар сони 4,2 донани ташкил этиб, такрорий экин экилмаган I-фондаги параллел вариантга нисбатан 1,5 см ва 0,5 донага кўпроқ бўлди. Бу ҳолат албатта тупроқ унумдорлигига кунгабоқарни таъсир этиш даражасига боғлиқдир.

Нисбатан юқори кўрсаткичларга кунжутдан кейин экилган ғўзада N240 P170 K125 кг/га маъдан ўғитлар меъёрлари билан озиклантирилганда кузатилди ва ғўза бош поясининг баландлиги 16,0 см, чин барглар сони эса 5,7 донани, ташкил этган ҳолда бошқа вариантларга нисбатан сезиларли даражада ўзгарганлиги кузатилди.

Бу олинган маълумотларда I-фондаги параллел (1) вариантникига нисбатан мутаносиб равишда 1,5 см ва 1-1,5 донага, II-фондаги (4) вариантда эса 3,5 см ва 2,5 донага юқори бўлди.

Демак ғўзанинг дастлабки ривожланиш даврларидаёқ тупроқдаги яратилган экинлар фонлари (тупроқ унумдорлик) нинг таъсири бўлганлиги аниқланди. Бу ҳолат вариантлар орасида шоналаш ва гуллаш даврларида ҳам давом этиб, амал даврини охирида эса вариантлар орасида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги кузатилди.

Ўтмишдош экин соядан кейин экилган ғўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришда энг юқори кўрсаткичлари йиллик меъёрлар N240P170K125 кг/га қўлланилганда кузатилганлиги аниқланди. Бунга кўра,

ғўзани 2-4 чин барг даврида ўсимликни бўйи 17,3 см ни, чин барглар сони 6,3 донани ташкил қилганлиги аниқланди.

Ғўзани чин барг давридаёқ вариантлар ўртасидаги оз бўлсада фарқланишни ўтмишдош экинларни турларига бевосита боғлиқ эканлиги кузатилди. 1 августда ўтказилган фенологик кузатувларнинг натижаларига кўра, минерал ўғитлар I-фонда кузги буғдойдан кейин ғўзага N160P100K75 кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўлланилган вариантларда амал даври охирида бош поя баландлиги 90,1 см ни, ҳосил шоҳлари сони 11,1; кўсаклар 5,8 донани ташкил этган бўлса, 1 сентябрда кўсаклар сони 7,0 донани, очилган кўсаклар сони эса 1,8 донани ташкил этди. Бу даврга келиб, қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрларини таъсири сезиларли бўлди ва N200P140K100 кг/га қўлланилган вариантларда ушбу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 94,1 см, 12,0; 6,2 ва 8,1, донага тенг бўлди.

Демак 1 вариантга нисбатан 4,0 см, кўсаклар сони 1,2 донага, кўпроқ бўлди. Кунгабоқар экинидан кейин ғўзага нисбатан мақбул юқори кўрсаткичлар ғўзада N240P170K100 кг/га миқдорда қўлланилганда олиниб, бош пояни баландлиги 97,6 см, ҳосил шоҳлари сони 13,1 дона ва кўсаклар сони 9,6 донани, шу жумладан очилганлари эса, 2,5 донани ташкил этди. Бу кўрсаткичлар I-фондаги мақбул (3) вариантга нисбатан 2,5 см га баланд, лекин ҳосил шоҳлари сони 2,0 ва кўсаклар 1,7 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

Кунжутдан кейин экилган ғўзада ҳам худди шу миқдорда қўлланилганда олиниб N240P170K125 кг/ га меъёрлар қўлланилганда бош пояни баландлиги 105 см, ҳосил шоҳлари сони 7,2 дона ва кўсаклар сони 10,8 донани, шу жумладан очилганлари эса, 2,5 донани ташкил этди.

I-фондаги мақбул (3) вариантга нисбатан 2,3 см га баланд, лекин ҳосил шоҳлари сони 2,0 ва кўсаклар 1,5 донага кўпроқ бўлганлиги аниқланди.

Соядан кейин экилган вариантлар орасида нисбатан юқори кўрсаткичлар N200P140K100 кг/га миқдорда қўлланилганда олиниб, бош

Modern education and development

поя баландлиги 103 см, ҳосил шохлари сони 13,5 ва кўсақлар 11,3 донани, шу жумладан очилганлари эса 2,5 донани ташкил этди. Ўтмишдош соядан кейин ғўзага минерал ўғитларни N240P170K100 кг/га озиклантирилганда бош поясининг узунлиги, ҳосил шохлари кўп бўлишига қарамасдан кўсақлар сони 11 вариантга нисбатан 1,2 донага кам бўлганлиги тажрибаларда аниқланди.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши, 2020 йил.

Ўтмишдош, яъни ғўзадан олдин экилган экин турлари	Вариантлар	Ғўзада қўлланилган минерал ўғит меъёрлари, кг/га	Ўсимлик бўйи, см			Чин барглар сони, дона	Шоналар сони дона	Ҳосил шохлар сони, дона		Кўсақлар сони, дона		Шундан очилганлари, дона
			1.06	1.07	1.08			1.06	1.07	1.08	1.08	
Кузги бугдой	1	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	14,3	36,8	90,5	3,8	5,8	5,5	11,4	5,7	7,5	1,5
	2	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	14,6	38,2	94,7	4,2	5,9	5,8	12,0	6,5	8,4	2,0
	3	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	14,9	38,8	95,5	4,8	6,4	6,2	13,2	6,8	9,7	2,6
Кунгабоқар	4	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	13,8	36,8	91,5	4,5	5,9	5,8	11,8	6,2	8,2	1,7
	5	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	14,7	38,5	95,6	4,9	6,4	6,0	12,6	6,5	8,9	1,9
	6	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	15,9	39,6	97,9	5,6	6,8	6,5	13,8	6,8	9,6	2,5
Кунжут	7	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	15,2	40,5	93,5	5,5	6,2	6,5	12,9	6,9	8,5	2,7
	8	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	15,7	42,2	97,6	5,9	6,7	6,9	13,6	7,4	9,9	2,8
	9	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	16,4	46,5	105,5	6,2	7,4	7,6	14,5	7,8	11,0	2,9
Соя	10	N ₁₆₀ P ₁₀₀ K ₇₅	16,5	43,5	97,7	5,4	6,2	6,4	13,7	7,5	9,0	2,7
	11	N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀	16,8	44,6	105,3	5,8	6,9	7,5	13,9	7,9	10,5	2,9
	12	N ₂₄₀ P ₁₇₀ K ₁₂₅	17,6	47,8	110,5	6,4	7,6	7,9	14,5	8,6	11,5	3,2

Хулоса қилиб айтиш керакки, ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида кузги бугдойдан, кунжут, кунгабоқар, ёки соядан кейин экилган ғўзани ўсиб ривожланиши ва тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда минерал

ўғитларни табақалаштирилган ҳолда қўллаш, ғўзанинг мақбул ўсиб
ривожланиши учун қулай шароит яратилади.

Адабиётлар

1. Турсунходжаев З.С. Научные основы севооборотов на землях Голодной степи. Из. “Узбекистан”, Ташкент, 1972.
2. Расулов А. После промежуточной культуры. // ж. Сельское хозяйство Узбекистана. Ташкент 1987 г., №2. стр. 18.
3. Реимов Н.Б. Приемы вовышения плодородия почвы и продуктивности хлопковых севооборотов на засоленных почвах Каракалпакистана. Автореферат диссертации канд. с.-х.наук: 06.01.01. Ташкент, 1993.